# Qishloq hayoti

2014 йил — Соғлом бола йили

Қишлоқ ҳаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 23-SENTYABR, SESHANBA, 114 (8351)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




**Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий жойларга бойлиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Мамлакатимиз ҳудудида тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар рўйхатга олинган. Уларнинг бир қисми ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Буюк аждодларимиздан мерос бу бебаҳо обидалар асрлар оша дунё ҳамжамиятини мафтун этиб келмоқда.**

2



**Кейинги йилларда республикамизда иссиқхоналар майдонлари тобора кенгайиб бормоқда. Иссиқхона деҳқончилиги аҳолини йилнинг номавсум даврларида ҳам сархил, сервитамин маҳсулотлар билан таъминлашда катта аҳамиятга эга.**

3



**Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилаётган XVII Осиё ўйинларида 300 нафарга яқин спортчимиз 32 та спорт тури бўйича мусобақаларда иштирок этмоқда. Аввалроқ бошланган футбол бўйича баҳсларда кетма-кет ғалабалари билан мухлисларни хурсанд қилиб келаётган футболчиларимиз муваффақиятли иштирокини давом эттиришмоқда...**

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Кейинги йилларда Президентимиз раҳнамолигида пахтачиликни механизациялаш, айниқса, юқори унумли, арзон ҳамда ихчам ҳаракат қиладиган, тола сифати бузилиши, чигит синиб шикастланишига йўл қўймайдиган, яъни шпинделлари янада такомиллаштирилган терим машиналарини яратиш, уларни қишлоқ хўжалигида кенг қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган икки қаторли МХ-1,8 русумли терим машиналари шундай саъй-ҳаракатларнинг маҳсулидир.





# ЗАМОНАВИЙ ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ

## МАВСУМНИ МАҚБУЛ МУДДАТЛАРДА ЎТКАЗИШ ИМКОНИНИ БЕРМОҚДА

Сирдарё вилоятининг Сайхунобод, Сирдарё, Боёвут, Оқолтин туманларида ўтган йили 154 та машинада пахта терилиб, ушбу русумдаги агрегатлар синовдан ўтказилган эди. Янги машинанинг иш унуми, пахтани сифатли ва тоза териши, тола ҳамда чигитга зарар етказмаслиги, агрегатда терилган пахта қабул масканларида қўлда терилган хомашё сингари 1 нав 2-синфга (юқори навларга) қабул қилинаётгани, энг асосийси, қўл теримига нисбатан маблағ тежаётгани қишлоқ мулкдорларига ҳар жиҳатдан маъқул келди. Шу муносабат билан бу йил вилоятга яна 120 та янги терим машиналари олиб келинди. Минглаб гектар майдондаги ҳосилни тез ва соз йиғиб-териб олиш эзгу мақсад қилиб қўйилган айни дамда Сайхунобод, Сирдарё, Боёвут, Оқолтин, Мирзаобод, Гулистон, Сардоба ва Ховос туманларида терим машиналаридан тўла қувватда фойдаланилаётир. Бункерлардан бўшатилган оппоқ пахталар эса ҳосилга барака киритаётир.

...Кенг пахтазорда қийғос очилган чаноқлар кўзни қамаштиради. Ҳар бири кўсаклардан тошаман деб тургандай гўё. Оппоқ пахтазорда терим агрегатлари шитоб билан ҳаракат қиляпти. Бу “оқ олтин” жорий йилда ҳам мўл бўлгани, сарбаланд хирмонлар бунёд этилишидан далолатдир. Механизатор-операторлар Абдукарим Оқмуродов, Баҳодир Эгамов, Илёс Маматовлар Сайхунобод туманидаги Баҳодир Абдухолиқов раҳбарлик қилаётган “Жуман ота” фермер хўжалигида терим машиналарини моҳирона бошқармоқдалар. Машина ҳозиргина юриб ўтган, ҳосили терилган эгатларни кўздан кечирамиз. Эгатлар топтоза, бирон тола пахта тўкилиб, исроф бўлмаяпти. Энг асосийси, машиналар терим суръатини оширмоқда. Баҳодир Абдухолиқов раҳбарлигидаги “Жуман ота” фермер хўжалиги аъзолари беш иш кунида машина терими ҳисобига 31 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта топшириб, шартнома режаларини ошириб бажаришди.

Сайхунобод тумани пахта далаларида айни кунларда 30 та терим машинасидан юқори унумда фойдаланилаётир. Терим жадал бораётган, машиналар кучидан оқилона фойдаланилаётган “Шўрўзак”, “ Ўзбекистон”, “Ғалаба”, “Бирлашган” ва Т.Ғуломов, Қ.Султонов номли сув истеъмолчилари уюшмалари ҳудудидаги фермер хўжаликларида терим суръатига суръат қўшилаётир. Механизатор-операторларнинг далалардаги шижоати туфайли терим машиналари кучи билан туманда кунига ўртача 120-130 тоннадан ошириб пахта териб олинаётир. Мавсум бошидан буён машиналарда териб, хирмонларга уйилган пахта ҳосили 900 тоннадан ошиб кетди. Операторлар ўртасидаги беллашувда моҳир механизатор Абдукарим Оқмуродов пешқадамликни қўлдан бермай келяпти. У беш иш кунида хирмонга ўз машинаси бункеридан 50 тонна “оқ олтин” бўшатди.

— Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган икки қаторли МХ-1,8 русумли терим машинасининг иш унуми юқори, уни бошқариш жуда қулай, эҳтиёт қисмлари ҳам жуда арзон, — дейди “Сирдарёавтотеххизмат” МЧЖ етакчи мутахассиси Элёр Якубов. — Қисмлари содда тузилгани боис, уни таъмирлаш ҳам осон кечади. Аввал ишлатилган “Кейс” пахта териш машиналари таъмирлаш учун жуда катта маблағ талаб этиши баробарида унинг шпинделлари вертикал жойлашгани боис, пахтани тўкиб, толани ифлослантирар, ҳам чигитга шикаст етказарди. Икки қаторли МХ-1,8 русумли машиналарда эса шпинделлар горизонтал жойлаштирилгани, уни бошқариш функцияси янада такомиллаштирилгани учун пахта тўкилиб, исроф бўлмайди, чигит зарарланмайди. Ушбу машиналарда терилган пахта қабул масканларига юқори навларда топширилаётир. Энг эътиборлиси, терим тугагач, бункернинг ўртасидаги тракторни чиқариб олиб, ундан ер текислаш, экиш-тикиш ишларида фойдаланиш ҳам мумкин. Бу эса фермер мушкулини янада енгиллаштиради.

**(Давоми 2-саҳифада)**

**СУРАТДА:** *Дўстлик тумани “Агротехсервистаъминотчи” машина-трактор парки оператори Жаҳонгир Садиров.*

*1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни*

# ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МАКТАБ ДИРЕКТОРИ

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан “Йилнинг энг яхши мактаб директори” кўрик-танлови ўтказилди.**

Унда мазкур беллашувнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичлари ғолиблари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жаҳон андозалари даражасидаги ўқув масканларини барпо этиш, ёш авлодга билим беришни сифат ва мазмун жиҳатдан янада такомиллаштириш, таълимга илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш, педагогларнинг меҳнатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Таълим масканининг илғор иш тажрибасини оммалаштириш, соҳа ходимларини янада фаол ва изланувчанликка ундаш мақсадида ўтказилган ушбу танловда камида уч йиллик директорлик иш тажрибасига эга, жамоа ўртасида обрўли, мактабда соғлом муҳитни ярата олган, унинг раҳбарлигида мактаб жамоаси муайян натижаларга эришган, касбига фидойи, ташаббускор, изланувчан мактаб раҳбарлари иштирок этди.

Танловда қатнашчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими, таълим соҳасида яратилаётган имконият ва шароитлардан оқилона фойдалана олиши, дарс машғулотларини таҳлил этиш, педагогик кенгашга тайёргарлик кўриш, “Келажак мактаби” концепцияси асосида тақдимот ўтказиш каби жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

– Мактабимизда ўқувчиларга билим бериш билан бирга уларнинг маънавиятини юксалтириш, ёшларни миллий анъана ва қадриятларимизга содиқлик, катталарга ҳурмат руҳида тарбиялаш, фанларни ўзлаштириши, давомати доимий назорат этиб борилади, – дейди Нукус шаҳридаги 21-умумтаълим мактаби директори Нурлибек Қдирниязов. – Ушбу танлов педагогик жамоанинг имкониятларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш, уларнинг касб маҳорати ва билимини ошириб бориш, тажрибасини бойитиш, оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигини тобора кучайтиришга доир янгидан-янги иш тажрибаларини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

Танлов якунида ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Наманган Вилояти

# ЭЪТИРОФ МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРДИ

**Поп туманидаги 10-сонли умумтаълим мактаби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган танловда “2014-2015 ўқув йили учун тажриба-синов майдони” мақомига эга бўлди.**

— Бундай юксак мақомга эга бўлиш барча ўқитувчи ва мураббийларимизнинг зиммасига катта масъулият юклади, — дейди мактаб директори Гулҳаё Эргашева. — Айни пайтда мактабимиз 920 ўринга мўлжаллланган бўлиб, 30 та синф хонаси мавжуд. Замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган билим масканида 895 нафар ўқувчига 108 нафар ўқитувчи ва мураббийлар пухта билим бериб келмоқда. Жорий ўқув йилида мактабимиз 116 нафар ўқувчини ўз бағрига олди.

Айтиш жоизки, аҳил жамоа орасидан икки нафар мураббий Юртбошимиз томонидан муносиб тақдирланди. Математика фани ўқитувчиси Ҳабибахон Мирзаолимова “Дўстлик” ордени, француз тили фани ўқитувчиси Адашхон Ашуралиева “Шуҳрат” медали билан мукофотлангани танлаган касбига бўлган меҳр-муҳаббатини янада ошишига, мамлакатимиз келажаги бўлган бугунги ёшларни комил инсон этиб тарбиялашга руҳлантиради.

Дарвоқе, мазкур мактабнинг собиқ ўқувчилари орасида туман, вилоят, республика миқёсида турли соҳаларда меҳнат қилаётган етук кадрларни кўплаб учратиш мумкин. Улар орасида фан арбоби, етук олим ёки таниқли санъаткор, ишлаб чиқариш илғорлари ҳам топилади. Айни чоғда мактаб битирувчиларидан яна бир неча нафари чет эллардаги нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**




Навоий Вилояти

# ЯНГИ МАҲАЛЛА МАРКАЗЛАРИ

*Қизилтепа туманидаги “Шейхон” ҳамда “Арабхона” маҳалла фуқаролар йиғинида янги маҳалла марказлари фойдаланишга топширилди.*

Мазкур маҳалла марказлари туман ҳокимлиги ва ҳудудда яшовчи тадбиркорлар ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг туман бўлинмаси томонидан ажратилган маблағ эвазига бунёд этилди.

— Бу ҳудудларда ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеини кучайтириш борасида олиб борилаётган кенг кўламдаги ишларнинг ёрқин ифодасидир, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг туман бўлинмаси раиси Шокир Ҳабибов. — Тизимнинг нуфузини ошириш ҳамда тезкор ва самарали иш юритишда, аввало, маҳаллаларимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимлар учун қулай иш шароити яратиш фаолиятимизнинг асосий омилидир.

Бунёд этилган янги биноларда маҳалла фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқаролар билан ишлаш учун етарли шароитлар мавжуд. Жумладан, фуқаролар йиғини раиси, профилактика нозири, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, масъул котиб ва посбон учун ажратилган алоҳида хоналар, мажлислар зали замонавий жиҳозланган.

**Дилшод МАМАРАЖАБОВ**

Бухоро Вилояти

# БАНК КРЕДИТИ ҚЎЛ КЕЛДИ

*Ғиждувон туманидаги “Асад Бахшилло Неъмат ўғли” фермер хўжалиги қошида сиғими 120 тоннага тенг замонавий советкичли омборхона ишга туширилди.*



Бунда “Агробанк”нинг туман филиалидан ажратилган 50 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағи қўл келди.

— Бундан икки йил олдин хўжалигимизнинг 2,5 гектар майдонига олманинг кечпишар навларидан ўтқазиб, боғ ташкил этган эдик, — дейди фермер Бахшилло Асадов. — Кўчатлар бу йил ҳосилга кириб қолди. Бундан ташқари, уч гектар майдонга такрорий экин сифатида сабзи экканмиз. Ҳосилнинг ҳаммасини омборхонада сақлаб, қиш ва эрта баҳор фаслида аҳоли дастурхонига тортиқ қилишни кўзлаб турибмиз.

Фермер омборхонадан тўла қувватда фойдаланиш мақсадида турдош хўжаликлардан ҳам маҳсулот қабул қилишни режалаштиряпти. Бу ерда 2 нафар қишлоқ ёшлари учун доимий иш ўрни яратилди.

**Ҳамроз АЛИ**

Жиззах Вилояти

# СУВ ТАЪМИНОТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

*Фориш тумани аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилашга қаратилган йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.*

Айни пайтда “Узунқудуқ—Янгиқишлоқ” сув йўлини тиклаш бўйича иш олиб борилятпи. Бу лойиҳа 2 та артезиан қудуқ ковлаш, сув насослари ўрнатиш ва 9,2 километрлик қувур ёткизишни қамраб олади. Туман маркази ва унга туташ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилашга қаратилган ушбу тадбир учун 3 миллиард 324 миллион сўм сарфланади. Жорий йил сўнгида лойиҳанинг биринчи босқичи ниҳояланади.

2015 йилдан бошлаб “Узунқудуқ—Янгиқишлоқ” сув йўли қурилишининг кейинги босқичига киришилади. Иккинчи босқичдаги қурилишларга 6 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутиляпти. 2015 йилнинг 1 сентябридан бошлаб туман маркази аҳолиси янги тармоқдан сув ола бошлайди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ**

Qishloq HAYOTI
2014 йил 23 сентябрь

# ЗАМОНАВИЙ ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ

## МАВСУМНИ МАҚБУЛ МУДДАТЛАРДА ЎТКАЗИШ ИМКОНИНИ БЕРМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

— Машина терими фермернинг сарф-харажатларини кескин камайтиради, — дейди "Жуман ота" фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Абдухолиқов. – Масалан, бир тонна пахтани машинада териш учун операторга 8 минг 500 сўм иш ҳақи берилаётган бўлса, шунча тонна пахтани қўлда терган ҳашарчи-теримчига 220 минг сўм маблағ сарфланади. Ҳаммасидан ҳам 50-100 гектарлик пахтасини қўлда тердирган фермер ҳашарчига 15-20 кунлаб тушлик овқат, чой-сув ташиб қимматли вақтини йўқотишини айтмайсизми! Машиналардан унумли фойдаланиб, беш иш кунида давлатга пахта сотиш шартномавий режамизни бажардик ва бунинг эвазига миллион сўмлаб маблағимизни тежадик. Далаларда ҳали ҳосилимиз мўл. Эндиликда 40 центнерлик маррани кўзлаб йиғим-теримни давом эттиряпмиз. Машина терими мавсумни қисқартиргани, вақтимизни тежаганининг фойдаси яна шунда бўлдики, ғўза қатор ораларига кузги буғдой экишни барвақт бошлаб юбордик. Машинада пахта терилган майдонларда бир марта культивация ўтказиб, буғдойни сепяпмиз. Ноябрь ойигача ғаллани тўлиқ туплатиб, бир сув ва озиқлантиришдан чиқарамиз.



— Икки йилдан бери икки қаторли МХ-1,8 русумли машинада пахта теряпман, — дейди илғор оператор Абдукарим Оқмуродов. — Ўтган йили ушбу русумдаги машинада 80 тоннадан ошиқ пахта тергандим. Бу йилги мавсумда 120 тонна пахта териб беришни мақсад қилиб қўйганман. Терим суръатини пасайтирмаган ҳолда янги машинанинг ишлаш функцияси, бошқариш тизимини ҳам пухта ўрганиб чиқяпман. Жанубий кореяликлар билан ҳамкорликда яратилган машина шпинделлари янада такомиллаштирилгани менга маъқул келди.

Ҳа, янги машиналар фермерларнинг ҳақиқий ишончли қанотига айланмоқда. Машина терими афзаллигини тўғри англаган пахтакорлар эса етиштирилган ҳосилни тезу соз йиғиб-териб олишни кўзламоқда. Дастлабки кунлари вилоятда 180 та машина пахтазорларга олиб чиқилиб, улар кучи билан ўртача кунига 600-650 тонна қимматли хомашё терилган бўлса, ҳозирда 270 дан ошиқ агрегат юқори қувватда ишлатилиши, кўсаклар тўла очилгани эвазига терим суръати икки бараварга ўсди ва асосий эътибор техникалардан самарали фойдаланишга қаратилмоқда.

* * *

Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида ҳам пахта хомашёсини йиғиштириб олишда терим машиналаридан унумли фойдаланилмоқда. Айни кунларда 30 та пахта териш машинаси ёрдамида бир кунда 120 тоннагача хомашё йиғиштириб олиняпти.

— Ўзимизда ишлаб чиқарилган МХ-1,8 русумли пахта териш техникаси ҳар жиҳатдан қулай бўлиб, пахтани сифатли йиғиштириб олиш имконини беради, — дейди оператор Жаҳонгир Садиров. — Мавсум сўнгигача машинада 250 тонна пахта теришни мақсад қилганман.

Ўтган пахта терими мавсумида туман деҳқонлари ҳосилнинг 5 минг тоннасини терим машиналарида йиғиштириб олишган эди. Бу йилги имкониятлар эса ҳосилнинг 10 минг тоннасини техникалар кўмагида йиғиштириб олишга қаратилмоқда.

— Ҳудудимиздаги пахта териш машиналари 6 та гуруҳга ажратилган, — дейди туман "Агротехсервистаъминотчи" машина-трактор парки масъулияти чекланган жамияти механиги Мухторхон Баҳодиров. — Гуруҳларга энг тажрибали ҳайдовчилар жалб қилинган. Техникаларимиз янги бўлишига қарамасдан, эҳтиёт қисмлар захираси ҳозирланган. Ёнилғини узлуксиз етказиб бериш чоралари кўриляпти. Даврон Сувонов, Жамшид Орзиқулов, Абдиҳаким Шарипов ва Музаффар Садиров каби ҳамкасбларимиз теримда пешқадамлик қилишмоқда. Бу машина деҳқонларларга ҳам, тракторчиларга ҳам бирдек маъқул келяпти.

Айтиш жоизки, пахта теришда машиналардан самарали фойдаланилаётгани мавсумни мақбул муддатларда ўтказилишида муҳим омил бўлмоқда.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбирлари.**

---

**Мамлакатимизда келажагимиз ворисларини баркамол этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қатор ташкилотлар томонидан ҳам ибратли ишлар қилинаётир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш мақсадида бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.**

# ОИЛА ВА МАКТАБ БИРГАЛИКДА

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ЭТМОҚДА

Шундай лойиҳалардан бири — мактаб ўқувчилари орасида ОИТС/ОИВ, жиноятчилик ва психоактив моддалар истеъмол қилинишининг олдини олишга йўналтирилган ўқув дастурларини жорий этишдир. Тажриба-синов тариқасида ўтказилган мазкур лойиҳа 2013-2014 ўқув йили давомида амалга оширилди. Уни жорий этиш масалаларини мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ҳамда бошқа ташкилотлардан мутахассислар жалб этилиб, маданий мослашув гуруҳи шакллантирилди.

Мазкур гуруҳ томонидан умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари учун "Оила ва мактаб биргаликда — FAST (Family and school together)" дастурининг ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилди ҳамда ўзбек ва рус тилларида чоп этилди.

Умумтаълим мактабларида тажриба-синов ишларини муваффақиятли амалга оширишда ўқитувчи ва психологлар, ота-оналар ҳамда Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг ходимларидан иборат маҳаллий мураббийлар фаол иштирок этишди. Уларга дастурнинг мазмун-моҳияти ва уни жорий этиш билан боғлиқ ташкилий ишларни ўргатиш мақсадида халқаро мураббийлар иштирокида ўқув-машғулотлари ҳам ўтказилди.

Бундан ташқари, ўқув-тарбия жараёнига таъсир қилмаган ҳолда танланган 60 та оила иштирокида 8 ҳафталик дарслар олиб борилди.

Шунингдек, мактабларда учрашувлар ўтказилди. Уларда лойиҳа натижалари ҳақида фикр алмашилди.

Яқинда Республика болалар кутубхонасида мазкур лойиҳанинг тажриба-синов ишлари якунига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда лойиҳани жорий йил якунига қадар амалиётга татбиқ этиш белгиланди.

**Наргиза ҲУСАНОВА**

---

**Пойтахтимизда "Lotte City New Tashkent Palase" меҳмонхонасида "Тасанно-2014" анъанавий Миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди.**

# МИЛЛИЙ ТАОМЛАРДА МУЖАССАМ ҚАДРИЯТЛАР

Унда юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва миллий маданият марказлари билан ҳамкорликда дунё халқларининг миллий таомлари намойиш этилди. Тадбирда хорижий давлатлар элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари, дўстлик жамиятлари раислари, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашининг вилоят бўлимлари раҳбарлари иштирок этишди.

Бир-биридан чиройли безатилган дастурхонлар, миллийликни ўзида мужассам этган ноёб санъат асарлари, кўргазмалар йиғилганларда ўзгача таассурот қолдирди. Меҳмонлар араб, турк, ҳинд, хитой каби кўплаб халқларнинг миллий таомларидан татиб кўришди. Шу билан бирга, ушбу халқларнинг турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари ҳақида ҳам тасаввур ҳосил қилдилар.

— Биз миллий таомларимиз билан кўплаб тадбирларда иштирок этиб келмоқдамиз, — дейди Озарбайжон миллий маданият маркази ходимаси Дилдора Шораҳмедова. — Бу фестивалда эса шоҳона ош, паҳлава, дўлма, долга, кутап каби ўндан ортиқ таомлар билан қатнашдик. Улар меҳмонларга манзур бўлди.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ўз фаолияти давомида бир неча марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грантига эга бўлди. Грант лойиҳаси асосида жойларда фестиваль, семинар, давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ўтказиб келинмоқда. "Тасанно-2014" Миллий таомлар фестивали ҳам ушбу грант лойиҳасидан ўрин олган.

Тадбир давомида иштирокчилар тайёргарлиги ҳакамлар томонидан холис баҳолаб борилди. Унга кўра, танловнинг олий соврини — Гран При Ўмон Султонлиги вакилларига насиб этди. Корейс халқининг миллий таомлари эса фахрли биринчи ўринга лойиқ топилди. Мисрлик иштирокчилар иккинчи, ҳиндистонликлар учинчи ўринни эгаллашди. Моҳир ошпазларга ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Инобат МАТЁҚУБОВА**

---

Фарғона Вилояти

▼ ҲУНАРМАНДЧИЛИК

# РИШТОН ЧИННИГАРЛАРИ

Риштон шаҳри ва унга туташ кишлокларда кулолчилик азалдан нафақат ҳунармандлик, балки санъат даражасида ривожланган. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳунармандчиликка қаратилаётган эътибор самарасида Риштонда кулолчиликнинг янги боскичи бошланди, десак муболаға бўлмайди. Буни чиннигарликнинг ривожланиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.



Риштон шаҳрининг чеккасида барпо этилган Саноат шаҳарчасига борган киши бунга тўла амин бўлади. Масалан, ака-ука Акмалжон ва Ғайратжон Ёдгоровларнинг чинни ишлаб чиқариш цехини олиб кўрайлик.

– Ҳозирги кунда тўрт хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз, – дейди Акмалжон Ёдгоров. – Лаган, коса, пиёлаларга талаб катта. Ишлаб чиқарган маҳсулотимизни харидорлар пешма-пеш олиб кетишяпти. Икки оила бирлашиб, ҳар ойда етти-саккиз миллион сўмлик даромад қиламиз.

Саноат шаҳарчаси икки бўлмадан иборат бўлиб, биринчисида ҳозир етмиш еттита тадбиркор фаолият юритмоқда. Улар орасида Ўктамжон Матбобоев раҳбарлигидаги корхонага тенг келадигани йўқ. Унинг чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонада конвейр асосида ташкил этилган.

– Илгари кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарар эдик, – дейди Ўктамжон Матбобоев бизни цехга бошлар экан. – Аста-секин чинни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Уч ака-ука мана шу ердаги Саноат шаҳарчасидан олти сотихдан ер олдик, уларни бирлаштириб бинолар қурдик. Давлатимиз томонидан бизга барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Мана шундай имкониятлардан фойдаланиб, замонавий дастгоҳлар ва механизмлар ўрнатдик. Улар коалин лойини қориш, фильтрлаш, сиқиб тайёр ҳолга келтириш, қолиплаш ва пишириш жараёнларини бажаради. Чинни лойи қанчалик сифатли бўлса, маҳсулот шунча яхши бўлади.

Ўктамжон Матбобоев билан цех фаолиятини кўздан кечирдик. Хомашё тўртта олди очиқ катта омборда қуруқ ҳолида сақланмоқда. Лой цехи бошлиғи Дилмурод Аҳмаджонов иш аввали зуваладан бошланади, деган тамойилга амал қилар экан. Қолиплаш цехи ишчиси Нодиржон Аслонов эса дастгоҳда лаган ясаб, лентага қўйаяпти. Қоп-қора рангдаги лой хумдондан оппоқ чиннига айланиб чиқмоқда. Иккита ертўла хумдони ва иккита ер устидаги хумдонда олдинма-кейин тўрт хил маҳсулот пишяпти. Икки хил лаган, икки хил коса, бир хил чойнак турли шаклдаги гуллар билан чиқариляпти. Улар орасида машҳури – ўзимизнинг пахта гуллилари.

Ўктамжон Матбобоевнинг айни пайтда 25 нафар шогирди бор. Соҳа сирларини, ҳунар асрорларини пухта ўрганаётган ёшларнинг шижоатига тасанно айтасиз.

Риштон чиннигарларининг меҳнати, уларнинг ясаётган, тайёрлаётган маҳсулотларини кўриб, ҳунардан зар ундираётганлар, дея таъриф бергимиз келди. Ҳа, улар ҳақиқатан ҳам ҳунарини санъат даржасига кўтариб, унинг ортидан рўзғорини тебратмоқда, фарзандларини тарбияламоқда. Энг муҳими, улар ўзидан ортиб элга нафи тегяпти. Қолаверса, юртимиз довруғини дунёга ҳам ёймоқда. Тўғрида, бугун юртимизга келган хорижлик сайёҳлар ҳунармандлар тайёрлаган пахта гулли идишларни эсдаликка олиб кетар экан, уларнинг кўзи ушбу идишларга тушганда, кўз ўнгида Ўзбекистонимиз манзаралари пайдо бўлаверади.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

---

Қашқадарё Вилояти

# МУҲИМ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

**Қарши тиббиёт коллежида "Ўсмирларнинг репродуктив саломатлиги" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.**

Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, "Соғлом она – соғлом бола" тамойили асосида ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи барпо этилиб, аҳолининг барча қатламига жаҳон андозалари даражасида тиббий-профилактика хизмати кўрсатиляпти. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини яхшилаш мақсадида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, никоҳдан ўтаётган ёшлар ўртасида тиббий кўрикнинг аҳамиятини тарғиб этиш борасида кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда. Маҳаллаларда оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари ҳамкорлигида саломатлик гуруҳлари, мактаб ва коллежларда "Ораста қизлар" тўгараклари фаолият юритмоқда.

– Ўсмирлик даврида бўлган йигит-қизлар жисмоний, руҳий ва ақлий ривожланиш босқичида бўлади, – дейди Репродуктив саломатлик маркази вилоят филиали мутахассиси Шарофат Чориева. – Шу боис, улар орасида соғлом турмуш тарзи муҳим аҳамиятга эга. Шуни таъкидлаш керакки, 19 ёшгача бўлган ўсмир қизлар орасидаги оналар ўлими 20-24 ёшлилар орасидаги кўрсаткичга қараганда уч марта кўп бўлади. Шу билан бирга, 20 ёшдан кейинги туғуруқ болалар ўлимининг олдини олишда асосий омил саналади. Сабаби, бундан кичик ёшдаги ҳомиладорлик ўсмирнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тадбирда шу каби масалалар хусусида атрофлича сўз юритилди. Ўқувчи-қизларнинг саволларига батафсил жавоб берилди.

**Хусан ТЕМИРОВ**

---

Хоразм Вилояти

▼ БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ ИЖРОИЯ КЕНГАШИНИНГ 99-СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

# САЙЁҲЛАР ОҚИМИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий жойларга бойлиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат каторида туради. Мамлакатимиз ҳудудида тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар рўйхатга олинган. Уларнинг бир қисми ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Буюк аждодларимиздан мерос бу бебаҳо обидалар асрлар оша дунё ҳамжамиятини мафтун этиб келмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳалар сингари сайёҳликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 20 мартда қабул қилинган "2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги қарори воҳада сайёҳликни янада ривожлантириш, замонавий сайёҳлик хизмати турларини жорий этишда муҳим омил бўлмоқда.

– Илгари сайёҳлар асосан Хивага келарди, – дейди "Ўзбектуризм" миллий компанияси Хоразм вилояти ҳудудий бўлими раҳбари Одилбек Раҳимов. – Бошқа тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва сайёҳлик йўналишига киритиш маълум маънода эътибордан четда қолган эди. Бунинг учун сервис соҳасини ривожлантириш, янги меҳмонхоналар қуриш, инфратузилма, йўл-коммуникация тизимларини замон талаблари даражасига келтириш зарур эди. Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида вилоятда бу борада салмоқли ишлар бажарилди.

"Урганч" халқаро аэропорти замонавий тарзда реконструкция қилиниб, ташқи ва ички қиёфаси тубдан ўзгарди, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди, ён-атрофи ободонлаштирилди. Урганч вокзали ҳам янги қиёфа касб этди. Вокзал олди, йўловчилар павильони, кутиб олиш ва кузатиш заллари, йўлаклар юқори дид билан безатилди, меҳмонхона, турли хизмат кўрсатиш шохобчалари, автомобиллар турар-жойи барпо этилиб, замонавий шароитлар яратилди. Атрофга ўзига хос ажойиб манзара бериб турган гулзору фавворалар бу ерга келиб кетувчиларнинг кайфиятини кўтаришга хизмат қилаётир.

Қарорга мувофиқ 2013-2015 йилларда вилоятда меҳмонхона, ресторан ва бошқа туризм инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 27,5 миллион АҚШ долларилик 44 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлиб, жорий йилда уларнинг 35 тасини ниҳоясига етказиш режалаштирилган.

– Амударё соҳиллари, Қизилқум бағрида ҳордиқ чиқариш ва бу ердаги қадимий обидаларни томоша қилиш учун келаётган хорижлик сайёҳлар имконият бўлди дегунча яна келишларини айтганида хурсандчилигимиз икки карра ошади, – дейди Питнак шаҳридаги "Файз барака" масъулияти чекланган жамиятига қарашли меҳмонхона раҳбари Қудрат Султонов. – Сайёҳлар меҳмонхонамизда яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан мамнун.

Вилоятда икки юз эллик бешта қадимий меъморлик ва санъат ёдгорликлари мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари ЮНЕСКО муҳофазасига олинган тарихий объектлар рўйхатига киритилган. Ана шу тарихий-маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва ҳолатини яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Айни пайтда Чодира ҳовли, Отажон тўра, Полвон қори мадрасалари, Тўрт шоввоз, Нуруллабой мажмуалари, Хива Дишон қалъасининг "Боғи шамол" дарвозаси, Қўғирчоқ театри, Ўлкашунослик музейи, ўрта асрларга оид Музхона каби 39 маданий мерос объектларида 15,6 миллиард сўмлик таъмирлаш ва реставрация ишлари олиб борилмоқда.

– Бугунги кунда сайёҳлик дунё бўйича энг сердаромад соҳалардан бирига айланиб бормоқда, – дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Шокир Мадаминов. – Президентимиз раҳнамолигида туризм инфратузилмасини ривожлантириш, сайёҳлик йўналишлари ва сервис хизматларини такомиллаштириш, мамлакатимиз туристик салоҳиятини янада тараққий эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маданий мерос объектларининг ягона реестри яратилиб, объектларнинг жорий ҳолати акс этган паспортлари тузилди. Маъмун академияси ва тегишли идоралар ҳамкорлигида ҳар бир объектнинг маданий-тарихий аҳамияти бўйича ахборот-маълумот базаси шакллантирилди.

Вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятини халқаро миқёсда намойиш қилишда турли тадбир ва фестиваллар муҳим аҳамият касб этаётир. Масалан, 2013 йилнинг 7-8 июнь кунлари "Ичан қалъа" давлат музей-қўриқхонасида "Хоразм маданияти" фестивали ўтказилди.

Фестиваль доирасида "Ўзбектуризм" миллий компанияси ва "Буюк ипак йўли" реклама агентлиги ҳамкорлигида "Uzbekiston Travel Workshop-2013" туристик ярмаркаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан "Бахши шоирлар, оқинлар ва халфалар" республика кўрик-танлови ташкил этилди. Фестивалда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан маданият соҳаси вакиллари ва 300 дан ортиқ хорижлик сайёҳлар иштирок этди.

Юртимизнинг бетакрор табиати, қулай иқлим шароити ва бой экотизими экотуризм ривожида муҳим омил бўлаётир. Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятларида, айниқса, фаол ҳордиқ турлари орасида қум барханлари оралаб туяда саёҳат қилиш урфга айланаётир. Қум устида барпо этилган ўтовларда ҳордиқ чиқариш сайёҳлар орасида оммалашмоқда. "Хива қора кўл", "Эшон равот", Боғот туманидаги "Қалжиқ қалъа" туристик объектларида экотуризм ихлосмандларига туя ва отларда Қизилқум чўли бўйлаб кўп кунлик саёҳат таклиф этилмоқда. Сафар мобайнида сайёҳлар барча қулайликларга эга ўтовларда истиқомат қилаётир.

Вилоятда сайёҳлар учун эсдалик совғалари тайёрлаш билан шуғулланадиган ўнлаб ҳунармандчилик корхоналари иш олиб бормоқда. Хоразмнинг сайёҳлик бренди рамзи туширилган турли кийим-кечаклар, сопол, мис ва ёғочдан ишланган идишлар, миллий нақшлар билан безатилган тақинчоқлар савдоси йўлга қўйилгани меҳмонлар ва сайёҳларга ўзига хос қулайлик яратмоқда.

Мухтасар айтганда, туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар мустақил Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш, юртимиздаги улкан бунёдкорлик ишлари ва янгиликлардан хорижликларни кенг хабардор этиш, иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётига эришиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

**Аҳмаджон ШОКИРОВ,**
**ЎзА мухбири.**



# ИССИҚХОНАДАГИ ЭКИН

## ДЕҲҚОНДАН МЕҲР ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Кейинги йилларда республикамизда иссиқхоналар майдонлари тобора кенгайиб бормокда. Иссиқхона деҳқончилиги аҳолини йилнинг номавсум даврларида ҳам сархил, сервитамин маҳсулотлар билан таъминлашда катта аҳамиятга эга.

### Мутахассис тавсиялари

Иссиқхонадаги экинлардан мўл ҳосил олишда барча агротехник чора-тадбирларни мақбул муддат ва меъёрларда бажариш, экинлар учун қулай микроиқлим яратиш зарур бўлади.

Иссиқхоналарда помидор ва бодринг уч мавсумда етиштирилади, яъни ёзги-кузги, оралиқ ва қишки-баҳорги мавсумлардир.

Кузги-қишки мавсумда етиштириладиган экинлар уруғи кўчатхонага июнь ойининг охири июль бошларида сепилади. Бунда помидорнинг F1 Белла, Виндетта, Бона, Менхир, Виласко, Элпида, Сайхун, бодрингнинг эса Орзу, Экспоза, Борхан, Джемре, Амур каби дурагайларини экиш тавсия этилади.

Помидор кўчатлари доимий жойга аввалдан суғориб қўйилган эгатларга август ойи бошларида ўтқазилади. Экиб бўлинганидан сўнг эгатларга сув таралади. Шундан сўнг улар каноп ёки полипропилен ипларга тортилади. Экинларга битта поя қолдириб шакл берилади. Биринчи ҳақиқий барг чиқарганида кўчатлар чириган гўнг билан 2-3 см. қалинликда кўмилади. Бу ёш ниҳоллар поясининг бақувват ўсишига ёрдам беради. Чунки ҳарорат юқори бўлгани сабабли, поялар сўлиб қолиши мумкин.

Ниҳоллар 3-4 тадан ҳақиқий барг чиқарганидан сўнг ёруғлик билан кўпроқ тўйиниши учун иссиқхона юзаси яхшилаб ювилиши лозим. Вегетация даврида кўчатлар илдизи ва барглари орқали озиқлантириб турилади. Кўчатлар 15-20 кундан кейин яна бир бор ипга тортилади ва ўсимлик атрофи чопиқ қилинади. Шундан сўнг минерал ўғитлар солиниб, суғорилади. Кейинчалик помидор ўсимлигига шакл берилади ва асосий поя қолдирилиб, ён бачкилари олиб турилади.

Куз ойларида ёруғликнинг аста-секин пасайиб бориши туфайли иссиқхона ҳаво ҳароратини ҳам шунга монанд ушлаб туриш лозим. Экинларнинг яхши ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги юқори бўлиши учун иссиқхонада мақбул микроиқлим (ҳарорат, ёруғлик, ҳаво ва тупроқ намлиги) таъминланиши зарур.

Помидор экини учун ҳарорат кундузи 22-25, тунда 17-18 °С, ҳавонинг нисбий намлиги 75-80 %, бодринг учун эса кундузи 24-28, тунда 18-20 °С, ҳавонинг намлиги 85-90 % бўлиши энг мақбул ҳисобланади. Ҳароратнинг юқоридаги кўрсаткичлардан ошиб ёки камайиб кетиши экинларнинг ўсиб-ривожланиши, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилигига салбий таъсир кўрсатади.

Кузги-қишки мавсумда иссиқхонадаги помидор кўчатларининг ўсув нуқталарини 7-8 гулшодадан кейин чилпиб ташлаш тавсия қилинади. Бу ҳосил миқдорига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳосил етилганидан сўнг ўз вақтида териб, пишган меваларнинг узоқ вақт туриб қолмаслигига эътибор бериш керак. Озуқа моддаларни солиш фақат тупроқ таркиби агрокимёвий таҳлил қилинганидан сўнг амалга оширилиши, яъни тупроқ таркибидаги сувда эрувчи фосфор миқдори ҳар 100 гр.да 8,4-9,3, тупрокдаги нитрат миқдори 15-18, калий 35-40 мг. атрофида сақланиши зарур. Бундан ташқари, тупроқ таркибидаги хлор миқдори ҳар 100 гр. тупроқда 0,02 фоиздан ошмаслиги лозим. Ҳар 100 гр. тупроқда магний 7-10, кальций эса камида 30-45 бўлиши керак.

Иссиқхоналарда помидор ва бодрингга зараркунандалардан оққанот, ўргимчаккана, занг кана, ширалар (полиз, акация), сим қуртлари, касалликлардан эса ун шудринг, сохта ун шудринг, қўнғир ва қора доғланиш, вируслар (мозаика, столбур, стрик), фомоз, фузариоз сўлиш кабилар катта зарар етказади.

Оққанот ва шираларга қарши 20 % Конфидор (0,3 л/га), 20 % Моспилан (0,3 кг/га), Карбафос (1,2-2 л/га), Фуфанон (2,4-2,6 л/га) ёки 25 % Циракс (1,2-1,6 л/га) препаратларидан бирини пуркаш тавсия этилади. Ўргимчаккана ва занг канага қарши 20 % Митак (2,5 л/га), 50% Неорон (1 л/га), Омайт (1,5 л/га) ёки 36 % Витакс (0,5 л/га) пуркалганда яхши самара беради.

Ун шудринг касаллиги бодринг, помидор экинларини кўпроқ зарарлайди. Бу касаллик ўсимлик баргларининг устки қисмида тўп-тўп оқ моғорлар пайдо қилади. Натижада замбуруғлар кўпайиб, ўсимлик баргларининг устки ва остки қисмини қоплаб олади ва барглари қуриб қолишига сабаб бўлади. Бодрингда ун шудринг касаллигига ўхшаш сохта ун шудринг касаллиги ҳам кўп учрайди. Бунда баргларнинг орқа қисмида қўнғир рангли чизиқлар пайдо бўлиб, барглари остини бутунлай қоплаб олади. Оқибатда барглар сарғайиб, тезда қуриб қолади.

Ун шудринг ва сохта ун шудринг касалликларига қарши Топсин-М (0,7 кг/т сувга), Сапрол (1 л/т сувга), Топаз (0,5 л/т сувга) препаратларини қўшиб пуркаш тавсия этилади. Фузариоз сўлиш касаллиги ҳам помидор ва бодрингнинг тез қуриб қолишига олиб келади. Бу касалликни фузариум оксепориум замбуруғлари қўзғатади. Улар ўсимликларни илдиз бўғинида кўпайиб, зарар келтиради.

Фузариоз сўлиш касаллигининг олдини олиш учун помидор ва бодринг кўчатларини 0,3 фоизли Фундазол эритмаси билан (5 г.10. л сув) суғорилади. Фомоз касаллиги асосан ҳосил тугиш даврида кўпайиб, замбуруғлар ҳосил банди атрофида ривожланади ва аввалига сарғиш доғлар пайдо бўлади, кейин эса улар кўпайиб, ҳосил банди жойларидан чириб, ҳосилни тўкилиб кетишига сабаб бўлади. Унга қарши курашиш учун иссиқхоналарда намликни ортиб кетишига йўл қўймаслик керак ва ўсув даврида Топсин-М дорисидан 1 кг/1000 л сувда қўшиб пуркаш тавсия этилади.

**Е.ЛЯН,**
*Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти илмий ходими.*

○ Реклама ва эълонлар

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2014 ЙИЛГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Лот 36-1. Боёвут тумани СИУ «Боёвут-1» Истиқлол маҳалла тип-2 маданият ва аҳоли дам олиш марказини капитал таъмирлаш.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 543 545 877 сўм, ҚҚСсиз 452 954 897 сўм. **Қурилиш муддати:** 70 кун.

**Лот 36-2. Янгиер шаҳар 2-тип маданият ва аҳоли дам олиш марказини капитал таъмирлаш.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 547 640 041 сўм, ҚҚСсиз 456 366 701 сўм. **Қурилиш муддати:** 70 кун.

**Мирзаобод тумани Янгиобод СИУдаги 2-тип маданият ва аҳоли дам олиш марказини капитал таъмирлаш.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 519 456 175 сўм, ҚҚСсиз 432 880 146 сўм. **Қурилиш муддати:** 70 кун.

**Қурилиш ишларини молиялаштириш:** маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан.

**Буюртмачининг манзили:** Гулистон шаҳри М.Ахтамова кўчаси 30-уй. Тел/факс: (8-367) 227-63-86.

**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** ҳисобрақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдоридаги айланма маблағлари бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПП-1475 сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан мукаммал таъмирланадиган турар ва нотурар биноларни капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 фоизни ташкил қилади.*

**Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади:** танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Гулистон шаҳри М.Ахтамова кўчаси 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: (8-367) 227-64-42.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 102 525 сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Офёрталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази биноси.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**"Қарши шаҳридаги РК-2 иссиқлик манбасидан таъминланадиган Пахтазор митти туманидаги иссиқлик тармоқларини реконструкция қилиш".**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 615.582.215 сўм, ҚҚСсиз – 512.985.179 сўм. **Қурилиш муддати:** 3 ой.

**Буюртмачи:** Қашқадарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Қарши шаҳри «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси 3-уй. Телефон: (8-375) 227-18-51, 227-13-51.

**Қурилиш ишларини молиялаштириш:** Республика бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

*2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат "Қурилиш - пудрат ташкилотлари реестри"га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат берилади.*

*Давлат бюджети ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган янги қурилиш ва капитал реконструкция қилинадиган объектлар танлов савдоларида офёрталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда, устунлик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади.*

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келиши керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади:** танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **«Давархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Қарши ш. Хонобод шоссеси кўчаси 46А-уй. Тел/факс: (8-375) 224-05-24, 224-18-33.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 90000 сўм.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда – «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси 3-уйда ўтказилади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Буюртмачи:** Андижон вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти.
*(Андижон шаҳар, Истиқлол кўчаси 8-уй.
Тел/факс: (8 374) 228-23-71, 228-23-65)*

**Андижон шаҳридаги Андижон вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти учун маъмурий ва хўжалик биноси қурилиши (2-босқич).**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 335 165 150 сўм, ҚҚСсиз 279 304 292 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати**: 90 кун.

**Молиялаштириш манбаси:** Буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

**Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:** қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Андижон ш. Чинобод кўчаси 59-уй. Тел/факс: (998 74) 226-72-02.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи: 100 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиш куни ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилган санадан 30 кун ўтгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

**"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2014 йил 28 август куни №103 (8340)-сонида Андижон вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги Андижон тумани "Куйган-ёр" ҚФЙ "Бахт" МФЙ ҳудудидаги №26/2014-сонли сув қудуғи қурилиши объекти лойиҳасига ўзгартириш киритилганлиги муносабати билан танлов савдолари бекор қилинганлиги маълум қилинади.**

* * *

**Шунингдек, "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2014 йил 10 июль куни №91 (8328)-сонида «Водийгазтаъминот» унитар корхонаси Андижон вилояти бошқармаси томонидан берилган эълондаги объектларнинг бошланғич нархи қуйидагича деб ўқилсин:**

**1. Избоскан тумани «Эркин» ҚФЙ ҳудудидаги Пойтуғ АГТШдан №1-ГТШгача бўлган юқори босимли газ тармоғини мукаммал таъмирлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 962 943 520 сўм, ҚҚСсиз 802 452 933 сўм.

**2. Бўз тумани «Ховос» МФЙ ҳудудидаги юқори босимли газ тармоғини мукаммал таъмирлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 508 184 430 сўм, ҚҚСсиз 423 487 025 сўм.

ООО "MEGA PLANET" (ИНН 301257905) зарегистрированное ИРСП Юнусабадского р-на г. Ташкента (в соответствии с решением единственного участника № 14 от 22.09.2014 г.) преобразуется в ЧП "MEGA PLANET" в соответствии действующим законодательством Республики Узбекистан. Претензии принимаются с момента опубликования объявления по адресу: г. Ташкент Юнусабадский р-н 11 кв-л ул. А.Дониш 2-Б.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (11.03.2014 й., реестр № 0114404) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Суюнов Баходир Саидмуродовичга (ИНН 603016062) тегишли Гувоҳнома (Патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (25.09.2013 й., реестр № 0113644) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Суюнов Жахонгир Саидмуродовичга (ИНН 601908393) тегишли Гувоҳнома (Патент), думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (01.11.2012 й., реестр № 0112269) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Суюнова Наргиза Саидмуродовнага (ИНН 495212055) тегишли Гувоҳнома (Патент) ва думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный план квартиры расположенной по адресу: ул. Наккошлик 19, 23 выданный Чиланзарским БТИ на имя Асадуллаева Гиёсиддина, считать недействительным.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (23.08.2013 й., реестр № 0113559) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Эльбекова Эльнора Улугбековнага (ИНН 422299293) тегишли бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (27.02.2008 й., реестр № 002046-01) рўйхатдан ўтган "ELIT GOLD TEXNOLOGY" ХК (ИНН 300738314) "ELIT GOLD TEXNOLOGY" МЧЖга ўзгаришини маълум қилади.

Утерянный аттестат выданный школой № 48 им. Гайдара Урта-Чирчикского р-на Ташкентской обл. в 1975 г. об окончании 10 кл. образования на имя Ан Мая, считать недействительным.

Абдубалиева Наргиза Анорбоевна номига 2005 й.да берилган меҳнат дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Юнусобод т. ТСРЎИда (реестр № 003075-10, 20.07.2007 й.) давлат рўйхатидан ўтган "HEMA DIAGNOSTIKA" ХК (СТИР 206925817) 19.09.2014 й.даги таъсисчининг 7-сонли буйруғига асосан тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Тел.: 235-93-85.

**SOTILADI:**

**QOG'OZ**

**OFSET 55,70. 80 gr.**
**ETIKETKALAR uchun (UPM Finlyandiya) 80 gr.**
**MELOVANNAYA 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 gr.**
**QADOQLASH UCHUN (KRAFT) 60, 70, 80 gr.**
**QOG'OZ QOPCHALAR UCHUN (KRAFT) 60,70 gr.**

**Shuningdek, QALIN QOG'OZ**

**SYELLYULOZA 210, 230, 250, 270, 300 gr.**
**DYUPLYEKS 250, 300, 350 gr.**

«ABSOLYUTE BUSINESS TRADE» XK xizmat ko'rsatadi
Mahsulotlar sertifikatlangan
Xizmatlar litsenziyalangan

**ПРОДАЁТСЯ:**

**БУМАГА**

**ОФСЕТНАЯ 55, 70, 80 гр.**
**ЭТИКЕТОЧНАЯ (UPM Финляндия) 80 гр.**
**МЕЛОВАННАЯ 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 гр.**
**УПАКОВОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70, 80 гр.**
**МЕШОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70 гр.**

**А также, КАРТОН**

**ЦЕЛЛЮЛОЗА 210, 230, 250, 270, 300 гр.**
**ДЮПЛЕКС 250, 300, 350 гр.**

Услуги оказывает:
ЧП «ABSOLYUTE BUSINESS TRADE»
Товары сертифицированы
Услуги лицензированы

**+99895 194-00-14, +99898 362-91-11**












